


Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ





1999 йил 14 сентябрь сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 182 (2220)


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия Раиси Нажмиддин Комилов бошқарди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этди.***

Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказидан хабар қилишларича, Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис депутатлари сайловида қатнашишга ижозат сўраб мурожаат этган сиёсий партияларнинг тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, ушбу ҳужжатларнинг сайлов тўғрисидаги қонун талабларига тўла мувофиқлигини эътироф этди.

Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси, Ўзбекистон "Ватан тараққиёти" партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияларига Олий Мажлис депутатлари сайловида қатнашишларига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

**(ЎзА)**






# ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

Баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашда, юрт довруғини жаҳонга таратишда спортнинг аҳамияти катта эканлиги барча эътироф этган ҳақиқат. Шу боис мамлакатимизда спортни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Республикамиз спортчиларининг халқаро майдондаги муваффақиятлари эса бунинг самарасидир. Мамлакатимизда ўтказилаётган йирик спорт мусобақалари қатори "Президент кубоги" анъанавий халқаро теннис турнири ҳам бу хайрли ишнинг узвий қисми ҳисобланади. Зеро, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан энг номдор теннис усталари иштирок этадиган бу мусобақа нафақат улкан спорт байрами, балки юртимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг, истиқлол йилларида эришган ютуқларимизнинг, миллатимиз равнақи йўлида ташлаётган қадамларимизнинг яна бир намойишидир.

13 сентябрь куни "Юнусобод" спорт мажмуида ана шу нуфузли мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган республикамиз ҳукумати аъзолари, вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, спорт мухлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни олқишлар билан кутиб олдилар.

Майдонга мусобақада вакиллари қатнашаётган 26 давлат байроқлари олиб кирилди.

Халқаро теннис турнири ташкилотчиси Сассон Какшури теннисни оммалаштириш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар учун Ўзбекистон раҳбарига, мусобақанинг барча ташкилотчиларига миннатдорлик билдирди.

Теннис турнирини расман очиқ деб эълон қилиш учун сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари мусобақанинг ташкилотчи ва қатнашчиларини, муҳташам спорт саройига йиғилган барча теннис ишқибозларини навбатдаги "Президент кубоги" турнирининг очилиши билан муборакбод этди.

Ҳар йили сентябрда Ўзбекистон пойтахти Тошкентда АйТиПи жаҳон сериясига кирувчи халқаро теннис мусобақаларини ўтказиш биз учун яхши анъанага айланди, деди Президент. Турнир қатнашчилари бўлган кўплаб мамлакатларнинг байроқлари олтинчи бор кўтарилмоқда, ушбу қизиқарли, чиройли ва жасоратли спорт турининг ихлосмандлари муҳаббатига сазовор бўлган теннис усталарининг исмлари янграмоқда.

Юртбошимиз мамлакатимизда кундан-кунга тобора оммалашиб бораётган мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун Ўзбекистонда жаҳон андозаларига жавоб берувчи шарт-шароит яратилганини қайд этди. Республикамиз спортчиларининг дунёнинг энг йирик теннис турнирларидаги муваффақиятли иштироки бунинг табиий натижасидир. Уимблдондаги қизлар ўртасидаги турнир ғолиби Ирода Тўлаганова эса халқимиз фахрига айланди.

Ўзбекистонда теннисининг бундай шуҳрат қозонишига 1994 йили биринчи бор ўтказилган "Президент кубоги" пойдевор вазифасини ўтади, десам хато қилмайман, деди Ислом Каримов. Орадан жуда оз вақт ўтган бўлса-да, Тошкентдаги мусобақалар барча катта теннис усталари доирасида улкан обрў қозонди. Бугун эса, турнирнинг бош соврини — "Президент кубоги" учун 26 давлатдан келган 80 га яқин спортчи баҳс олиб боради.

Давлатимиз раҳбари Тошкентдаги мусобақаларда иштирок этишга имкон топган теннис юлдузлари — россиялик Евгений Кафельников ва Марат Сафин, англиялик Грег Русецки, германиялик Николас Кифер, словакиялик Карл Кучера ва Ян Кросляк, франциялик Седрик Пиолин, швейцариялик Марк Россе, чехиялик Даниэль Вацек, арманистонлик Саргис Саргисянни, турнирнинг барча қатнашчиларини қизғин қутлади. Турнир директори Сассон Какшурига, АйТиПи менежери АҚШлик Поль Сетлс, бразилиялик Пауло Перейра бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳига, ҳомийларга, мусобақаларни ёритадиган журналистларга ўзбекистонлик теннис ихлосмандлари номидан миннатдорлик билдирди. Айнан оммавий ахборот воситалари ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли кортдаги баҳсларни нафақат Ўзбекистонда, балки Би-Би-Си, Си-Эн-Эн, Рейтер, И-Эс-Пи-Эн, Евроспорт, Теле-де-Порто, "Израиль Канал Спорт" ёрдамида дунёнинг барча қитъаларида кузатиш мумкин бўлади.

Президентимиз мусобақа қатнашчиларига омад ва муваффақият тилаб, бу турнирда ютқазганлар бўлмаслигига ишонч билдирди. Чунки турнирда иштирок этаётганлар бизнинг юртимизда янги дўстлар ва мухлислар орттирадилар.

Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги" олтинчи халқаро теннис турнирини очиқ деб эълон қилди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси садолари остида республикамиз байроғи кўтарилди.

Шундан сўнг турнирнинг биринчи ўйини бўлиб ўтди. Унда арманистонлик Саргис Саргисян ва словакиялик Карл Кучера ўзаро куч синашди. Омад С.Саргисянга кулиб боқди: у 6:1, 6:4 ҳисобда муваффақиятга эришди.

**Беҳзод УСМОН,**
**ЎзА мухбири**

**СУРАТЛАРДА: мазкур турнир очилишидан лавҳалар.**
**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ЮКСАК МАҲОРАТ — ҒАЛАБА ГАРОВИ

Сўз – турнир юлдузларига

**Николас КИФЕР (Германия); 1977 йилда туғилган. Токио, Галле (1999 йил), Тулуза (1997) турнирлари ғолиби. Дунё теннис таснифида 13-поғонани банд қилган.**



– Президент кубоги баҳсларида иккинчи бор иштирок этишим. Илк бор 1997 йилги мусобақаларда қатнашганимда биринчи босқичда россиялик А. Столяровга 2:1 (6/4, 6/7(2), 6/1) ҳисобида ютқазиб қўйган эдим. Бу йил эса дастлабки учрашувни финляндиялик Томас Кетолага қарши ўтказаман. Аввалги иштирокимда Тошкент кортларида тўплаган тажрибам, ўзбекистонлик мухлисларнинг самимий қўллаб-қувватлаши, чиройли ўйин намойиш қилишимда муҳим омил бўлади, деб ўйлайман.

Меҳмондўст ўзбек халқи спортни ҳам, иқтидорли спортчини ҳам, у қайси мамлакат вакили бўлишидан қатъий назар, бирдай қадрлайди. Ўзбекистонда ўз мухлисларимга эга бўлганимдан мамнунман.

Президент кубоги турнирининг нуфузи жадал суръатда ошиб бормоқда. Буни турнир иштирокчилари дунёнинг энг кучли теннисчилари экани ҳам исботлаб турибди. Шу ҳафта давомида ишқибозларга ўзига хос спорт байрами, рақибларимга эса омад тилайман.

**Карл КУЧЕРА (Словакия); Сидней, Нью-Хевен (1998), Острава (1997), Росмален (1995) турнирлари ғолиби. Бир нечта нуфузли мусобақаларнинг финал ва ярим финал иштирокчиси. Дунё теннис таснифида 20-ўринда туради.**



– Энг аввало, Тошкент шаҳри мен ўйлаганимдан-да гўзал эканини таъкидламоқчиман. Иккинчидан, Ўзбекистон менинг ватаним билан деярли бир хил иқлимга эга экан. Учинчидан, турнирнинг ташкилий жиҳатларига юксак баҳо бераман. Иштирокчилар учун барча қулайликлар яратилган.

Рақибларимга келсак, мен биринчи босқичда арманистонлик Саргис Саргисян билан кортга тушдим. Биласизми, бундай нуфузли мусобақаларда кучсиз спортчи бўлади, деб айтишнинг ўзи мантиқсизлик туюларди. Гарчанд бу учрашувда муваффақиятсизликка учрасам-да, ўтказилган геймлар кишида катта таассурот қолдирди. Аслида, теннисда кимнинг бардоши мустаҳкам, маҳорати юксак бўлса, бунга спортдаги омад ҳам қўшилса, ютиб чиқиши аниқ. Ўйлайманки, ишқибозлар ўзлари кутгандан-да қизиқарли беллашувларнинг гувоҳи бўлишади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Озод БЕК ёзиб олди.**

# КИЧИК КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-1154-сонли Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисида"ги шу йил 19 июлдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1999 йил 19 июлдаги қарори талабларини бажариш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Ушбу Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда дебиторлик қарзлари бўйича муддати ўтганлик вақти 90 кун қилиб белгиланиши муносабати билан муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари хатловини белгиланган муддатларда ўтказиш, махсус траншлар орқали ажратилган маблағлар ва мақсадли кредитларни мақсадли схемалар бўйича ўзаро қарзларни камайтиришга йўналтириш, муддати ўтган қарзларнинг ўсишига йўл қўйган 200 та корхона ва ташкилотга доир ҳужжатларни прокуратура органларига тақдим этиш ҳамда кўрилган бошқа чора-тадбирлар натижасида 1 сентябрь ҳолатига кўра муддати ўтган қарзлар миқдори жорий йил бошига нисбатан қарийб икки баравар қисқарганлиги алоҳида таъкидланди.

Юқорида қайд этилган Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари минтақавий комиссиялари раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Лекин кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан ушбу ҳудудларда мазкур соҳадаги ишлар ҳанузгача яхши йўлга қўйилмагани, муддати ўтган қарзлар миқдори салмоқли эканлиги қаттиқ танқид қилинди.

Шунингдек, комиссия мажлисида бу борадаги ишлар айрим вазирлик ва идораларда ҳам қониқарсиз аҳволдалиги қайд этилди. Хусусан, Энергетика ва электрлаштириш, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат ширкат қўмитасига қарашли корхона ва ташкилотларда қарздорликларни қисқартириш борасида таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Мажлисда мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идора таркибига кирувчи ҳудудларда жойлашган ҳар бир корхона ва ташкилотларда мавжуд муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини йил охиригача тўла бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА)**

# ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

МДҲ мамлакатлари Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгашининг Қирғизистоннинг Чўлпон-ота шаҳрида бўлган навбатдаги мажлисида МДҲ ҳудудида халқаро террорчилик тарқалишига қарши биргаликдаги курашни кучайтиришга қарор қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини қўриқлаш қўмитаси раиси Г.Тишаев иштирок этди.

Қирғизистон жанубидаги мураккаб вазият ҳамда Доғистондаги ҳарбий ҳаракатлар Кенгаш мажлиси кун тартибига муайян ўзгартиришлар киритди. Унда, асосан, ташкилий масалаларни кўриб чиқиш мўлжалланган эди.

Шу маънода, мажлисда қўмондонлар Қирғизистоннинг Боткен тумани ва Доғистондаги воқеалар, муайян кучларнинг ҳаракати эканлиги билан бир-бирига боғлиқлигини, бу кучлар МДҲдаги вазиятни издан чиқаришга уринаётганини таъкидлади. Жумладан, чегарачилар жангариларнинг инсонлар қурбон бўлиши ва 13 киши гаровга олинишига олиб келган Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги хатти-ҳаракатини халқаро террорчилик, деб баҳолади.

Қўмондонлар кенгаши республика жанубидаги вазият Марказий Осиёдаги тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солмоқда, шунингдек, кескинлик ва беқарорликнинг янги ўчоғини вужудга келтирмоқда, деган фикрда. Шу муносабат билан чегара қўшинлари раҳбарлари қўшма баёнот қабул қилди. Унда таъкидланишича, Қирғизистон бу турдаги тузилмаларнинг ҳар томонлама ёрдамига таяниши мумкин.

Мажлисда МДҲнинг ташқи чегараларигина эмас, балки маъмурий чегараларни ҳам мустаҳкамлаш лозимлиги таъкидланди. Чунки айнан Қирғизистон-Тожикистон чегарасининг очиқлиги Тожикистондаги жангариларнинг Қирғизистон жанубида вазиятни кескинлаштиришига олиб келди.

* * *

Сўнгги маълумотларга кўра, жиноий тўдалар ҳамон Зардоли, Ўринсой, Хўжа-Очкан ва Даман қишлоқларини ўз назорати остида ушлаб турибди. Бу ерларда жангариларнинг назорат постлари ўрнатилган.

11 сентябрдан 12 сентябрга ўтар кечаси Кан қишлоғи атрофида ўтказилган "тозалаш" чоғида Қирғизистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси билан жангарилар ўртасида тўқнашув юз берди. Натижада бир жангари яраланиб, асир олинди. Боткен йўналиши бўйича ҳукумат қўшинларини кучайтириш давом этмоқда.

Қирғизистон Мудофаа вазирлиги ўз қўшинлари томонидан диний экстремистларга қарашли йирик омбор қўлга олингани ҳақида хабар тарқатди. Ҳукумат вакилининг сўзларига қараганда, топилган заҳиралар экстремистларнинг узоқ муддатли ҳарбий ҳаракатларга тайёрланганидан далолат беради.

**(ЎзА)**

# ҚАБИҲ НИЯТ ЎТМАЙДИ

Халқимизда «Иймонсизнинг Худоси йўқ» деган гап бор. Бу бугун айтилган калом эмас. Боболаримиздан, момоларимиздан қолган нақл бу. Ён қўшнимиз Қирғизистонда бўлаётган воқеаларни матбуот орқали ҳар куни ўқиб, зангори экран орқали кўриб, ушбу мақолнинг мазмун-моҳиятини янада теранроқ англагандек бўлдим. Иймон, диёнат оддий тушунча эмаслигига яна бир бор амин бўлдим.

Ўзингиз ўйланг. Иймонсиз одамдан яхшилик чиқадими? Асло. Унинг қалби сўқир, дунёни англолмайди. Атрофдагиларни тушунолмайди. Чироқ ушлаб минг изланг, унинг дилидан, қалбидан заррача ёруғлик тополмайсиз. Мен Қирғизистонда кўпчиликнинг бошига кулфат ёғдираётган экстремистларни ана шундай кимсаларга ўхшатгим келди. Ахир одамларни иссиқ жойидан совутиб, тақдирини чигалликларга дуч келиб қолишига сабабчи бўлаётган жангариларни яна нима ҳам дейиш мумкин. Уларни инсонгарчиликка мутлақо ёт хатти-ҳаракатларини асло кечириб бўлмайди. Болакайларнинг жовдираган нигоҳи, жафокаш аёллар чеҳрасида қотган мунг, кексалар дийдасидаги алам жангариларнинг нияти нақадар қабиҳ эканлигини кўрсатиб турибди. Бу жангариларча бўлаётган ҳаракатлар замирида катта сиёсий кураш, замдан қўпорувчилик ниятлари ётганлиги шундоққина кўриниб турибди. Шундай пайтларда биз учун ғанимларга юрт тупроғини топтатиб қўймаслик ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ.

Тўғри, бугун юртимиз осмони тинч. Тунларимиз сокин, кунларимиз ёруғ. Ваҳима қилишга ҳеч бир асос йўқ. Аммо халқ бир четда томошабин бўлмаслиги керак. Негаки, бу жангарилар халқаро экстремистларнинг, бир ҳовуч ёвузларнинг вакилларидир. Уларнинг на миллати, на Ватани бор. Шунинг учун баъзи бир мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари бу масалани бир ёқлама талқин қилиши чалғитиш холос. Кўзни каттароқ очиб, масалага тўғри ва холис баҳо бериш керак. Шундагина Боткен воқеалари ортида кимлар борлиги ва қандай разил мақсадлар ётганлиги аёнлашади.

Мен бу гапларни нима учун айтаяпман? Бугун тинч ўтаётган кунларимиз, бағри бутунлигимиз, ҳур ва озод замонимиз ниҳоятда азиз. Бугун юртимизда мўъжизага қиёс ишлар бўлаяпти. Энг муҳими, биз Ватанимиздан, миллатимиздан чинакамига фахрланишни ўргандик. Очиғи, бу ҳолни кўролмаётганлар Қирғизистондаги вазиятга қайси бир томонлама Ватанимизни ҳам «қистириб» ўтишига уринишмоқда. Аммо биз бунга сира ҳам қўшила олмаймиз.

Ўзбекистоннинг ўз танлаган йўли бор. Халқ бунга ишонади. Бу йўлда фидойилик қилади. Ватанимизда доимо тинчлик ва осойишталик ғоялари ҳукм суради. Ўзбекистон — тириклик ва ҳаёт бағрига орзу-умидлар олиб оқаётган зилол сувли бир азим дарёдир. Ҳасад ўтида ёнаётганлар уни лойқалатиш учун ҳарчанд уринишмасин шиддат билан оқаётган тип-тиниқ сув ҳар қандай ғуборни ювиб кетади. Чунки бу дарёнинг ўзани эзгуликдир.

**Нуриддин ЗАЙНИЕВ,**
**Олий Мажлис депутати.**

ШУ СОНГА ХАБАР

Пахта–99

# ҒАЛАБА НАШИДАСИ

Деҳқонларимизнинг қалб қўри, пешона тери маҳсули – пахта чаноқлардан тошди. Қизлар белидаги этаклар дурга, хирмонлар бойликка тўлди. Карвон йўлга тушди. Ана шу карвонлар ортидан баҳор қуёшидай ҳузурбахш, гуллар атридай ширин хушхабар тарқалди: Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номли жамоа хўжалиги пахта усталари шу соҳадаги йиллик режани бажардилар. Тайёрлов шохобчаларига салкам 1900 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб бериб, эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлди. Ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзида ўттиз центнердан ортиб кетди.

Довонга чиққан чўққини кўзлайди. Дастлабки довондан ўтган деҳқонлар энди 38 центнерлик марра сари интилмоқдалар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

